



УДК: 633.511.631.52

ДЎЗАНИНГ ЭЛИТА УРУЎЛАРИНИ ЕТИШТИРИШ ЖАРАЁНИДА РЕСУРСТЕЖАМКОР ТЕХНОЛОГИЯЛАРНИ ҚЎЛЛАШ

Козубаев Шухрат Саттарджанович,

*қишлоқ хўжалиги фанлари доктори, профессор, Пахта селекцияси, уруғчилиги ва
етиштириш агротехнологиялари илмий-тадқиқот институтининг Дўза уруғчилиги ва
уруғшунослиги лабораторияси мудири, Тошкент ш.,*

E-mail: kozubaev.s@yandex.com

Қодиров Отабек Абдуллахаевич,

*қишлоқ хўжалиги фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), Андижон қишлоқ хўжалиги ва
агротехнологиялар институти катта ўқитувчиси, Андижон ш.,*

E-mail: otabekgenetik@gmail.com

Абдурахманова Нодира Данияровна,

*Пахта селекцияси, уруғчилиги ва етиштириш агротехнологиялари илмий-тадқиқот
институтининг Дўза уруғчилиги ва уруғшунослиги лабораторияси илмий ходими,*

Тошкент ш., E-mail: rspss@mail.ru

DOI: <https://doi.org/10.5281/zenodo.17536367>

Аннотация. Қишлоқ хўжалигида озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш чора-тадбирлари самарадорлигини ошириш, шунингдек, пахтачиликнинг республикамиз иқтисодиётини ривожлантиришга қўшаётган ҳиссасини кенгайтириш учун замонавий илм-фан ютуқлари ва илғор ишлаб чиқариш тажрибаларини қўллаш долзарб ҳисобланади. Сифатли ва наводор уруғликларни кенг қўламда ишлаб чиқаришни ташиқил этиш ва юқори ҳосилдорликка эришиш муҳим вазифалардан бирига айланмоқда. Маълумки, пахта ҳосилдорлиги уни етиштиришда қўлланиладиган агротехнологиялар даражасига ва тўғри жойлаштирилган навга ҳамда уларнинг уруғлик сифатига боғлиқ. Бугунги кунда юқори сифатли уруғ етиштиришда замонавий технологиялардан фойдаланиш усуллари ишлаб чиқилган ва кенг қўлланилмоқда. Бироқ, шунга қарамасдан, гўзанинг элита уруғчилиги соҳасида ресурстежамкор ва сувни тежайдиган технологияларни қўллаш орқали элита уруғчилиги самарадорлигини ошириш ва сифатли наводор уруғлар етиштиришни кўпайтириш бўйича олиб борилаётган ишларнинг айрим намуналаригина сақланиб қолмоқда.

Калит сўзлар: гўза, бирламчи уруғчилик, истиқболли нав, ресурстежамкор, элита уруғлари, қайтариқ, унувчанлик.

Abstract. To increase the effectiveness of measures to ensure food security in agriculture, as well as to expand the contribution of cotton growing to the development of our republic's economy, it is relevant to apply modern scientific achievements and advanced production practices. Organizing large-scale production of high-quality and varietal seeds and achieving high productivity are becoming important tasks. It is known that cotton yield depends on the level of agricultural technology used in its cultivation and the correctly placed variety, as well as the quality of their seeds. Today, methods for using modern technologies for growing high-quality seeds have been developed and are widely used. However, despite this, only a few examples remain in the field of elite seed production to improve the efficiency of elite seed production and increase the production of high-quality varietal seeds through the use of resource- and water-saving technologies.



Keywords: cotton, primary seed production, promising variety, resource-saving, elite seeds, repeatability, germination.

Кириш. Ҳозирги вақтда мамлакатимиз халқ хўжалигининг барча тармоқлари глобал иқтисодий ва экологик ноҳушлик шароитида жадал ривожланмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 15 декабрдаги ПҚ–391-сонли қарорида экологик шароитларга мослашган, юқори ҳосилдорликка эга, касаллик ва зараркунандаларга чидамли, тола чиқими юқори ҳамда қурғоқчиликка бардошли мавжуд районлаштирилган пахта навларининг уруғчилик тизимини янада такомиллаштириш назарда тутилган [1]. Хужжатда, шунингдек, пахтанинг элита уруғларини етиштиришда замонавий илмий-инновацион ёндашувлар ва ресурсларни тежовчи технологияларни кенг жорий этиш вазифаси белгилаб берилган.

Қишлоқ хўжалигида озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш чоратадбирлари самарадорлигини ошириш, шунингдек, пахтачиликнинг республикамиз иқтисодиётини ривожлантиришга қўшаётган ҳиссасини кенгайтириш учун замонавий илм-фан ютуқлари ва илғор ишлаб чиқариш тажрибаларини қўллаш долзарб ҳисобланади. Бугунги кунда юқори сифатли уруғ етиштиришда замонавий технологиялардан фойдаланиш усуллари ишлаб чиқилган ва кенг қўлланилмоқда. Бироқ, шунга қарамай, ғўзанинг элита уруғчилиги соҳасида ресурстежамкор ва сувни тежайдиган технологияларни қўллаш орқали элита уруғчилиги самарадорлигини ошириш ва сифатли навли уруғлар ишлаб чиқаришни кўпайтириш бўйича олиб борилаётган ишларнинг фақат айрим намуналари сақланиб қолмоқда [5].

Шундан келиб чиқиб, кам харажатли ва ресурстежамкор технологияларни қўллаган ҳолда етиштирилаётган ғўза навларининг нав тозаллигини сақлаган ҳолда элита уруғлик чигит ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш бўйича биз томондан илмий изланишлар олиб борилган. Тадқиқотлар доирасида элита уруғчилик хўжаликларидаги кўпайтириш кўчатзорларига плёнка остида, томчилатиб суғориш технологиясини қўллаган ҳолда тажриба намуналари экилган. Плёнка остида етиштирилган ғўза навларидан танлаб ва доналаб терилган 1000 дона чигитнинг униб чиқиш куввати, унувчанлиги, пишиб етилганлик даражаси ва вазни лаборатория шароитида аниқланган.

Материаллар ва услублар. Тадқиқотлар "Районлаштирилган ғўза навларининг элита ва биринчи репродукция уруғларини етиштириш услублари" асосида Андижон вилоятининг "Балиқчи элита уруғчилик хўжалиги" МЧЖ, "Олтинкўл элита уруғчилик хўжалиги" МЧЖ, Қўрғонтепа



туманидаги "Оқ сув экспериментал" ва Шахрихон туманидаги "Муҳаммадурсун Обод даласи" фермер хўжаликларида олиб борилган. Тадқиқотларда ғўзанинг "Андижон-35", "Андижон-37", "Андижон-36" ва "Султон" навларининг плёнка остида ва плёнка остида томчилатиб суғориш усулида етиштирилган элита намуналаридан фойдаланилган. Чигитнинг сифат кўрсаткичлари таҳлиллари Пахта селекцияси, уруғчилиги ва етиштириш агротехнологиялари илмий-тадқиқот институтининг Ғўза уруғчилиги лабораториясида О‘зДСт 1128:2006 "Уруғлик чигит. Унувчанликни аниқлаш усуллари" Давлат стандарти асосида олиб борилган [2]. Лаборатория тадқиқотлари О‘зДСт 1080:2005 "Уруғлик чигит. Намуна олиш усуллари" Давлат стандарти бўйича олиб борилган [3].

Натижалар ва мунозара. Тажрибалар шуни кўрсатдики, энг юқори униб чиқиш энергияси ва унувчанлик кўрсаткичлари томчилатиб суғориш усулида плёнка остида етиштирилган "Андижон-36" навининг элита намунасида қайд этилган. Униб чиқиш қуввати 89,0% ни, унувчанлиги эса 95,0% ни ташкил этиб, назорат намунасига нисбатан мос равишда 8,0% ва 4,0% га, оддий суғориш усулида плёнка остида етиштирилган шу навга нисбатан эса 1,0% га юқори бўлган.

Тадқиқотнинг бошқа вариантларида ҳам назорат кўрсаткичлари билан таққослаш ишлари амалга оширилган. Жумладан, плёнка остида етиштирилган "Андижон-35" навида униб чиқиш қуввати 88,0% (назорат намунасида 1,0% га паст), аммо унувчанлик 3,0% га юқори бўлган (94,0%). "Султон" навининг униб чиқиш қуввати 89,0% ва унувчанлиги 95,0% ни ташкил этиб, назоратга нисбатан мос равишда 7,0% ва 3,0% га юқори бўлган. "Андижон-37" навида униб чиқиш қуввати 88,0% (назорат намунаси билан бир хил) ва унувчанлик 94,0% ни ташкил этиб, назорат намунасида 2,0% га юқори бўлган. Оддий суғориш усулида плёнка остида етиштирилган "Андижон-36" навининг униб чиқиш қуввати 89,0% ва унувчанлиги 94,0% ни ташкил этиб, назоратга нисбатан мос равишда 7,0% ва 3,0% га юқори бўлган.

Тадқиқот жараёнида О‘зДСт 3352:2018 "Уруғлик чигит. Пишиб етилганликни аниқлаш усули" Давлат стандарти асосида элита уруғларининг пишиб етилганлик даражаси бўйича кузатишлар олиб борилган [4]. Энг юқори натижа "Андижон-36" навининг плёнка остида томчилатиб суғориш технологияси ёрдамида етиштирилган элита уруғларида эришилган бўлиб, пишиб етилганлик даражаси 97,1% ни ташкил этиб, назоратга нисбатан 4,0% га юқори бўлган. Оддий суғориш усулида плёнка остида етиштирилган "Султон" ва "Андижон-36" навлари 93,3% натижа кўрсатиб, назоратдан 3,0%



га юқори бўлган. Плёнка остида етиштирилган "Андижон-37" навида пишиш даражаси 95,2% (назоратга нисбатан 4,0% га юқори), "Андижон-35" навида эса 94,4% ни ташкил этиб, назоратга нисбатан 2,0% га юқори бўлган.

Табиатдаги ҳар бир ўсимлик оптимал ташқи шароитда ўзининг ирсий хусусиятларини максимал даражада намоён қилади. Акс ҳолда полимер генлар боғланишида узилишлар кузатилиб, ўсимлик потенциалининг тўлиқ очилиши қийинлашади. Турли шароитда ўстирилган бир тур ва бир популяцияга мансуб ўсимликларда ҳам маҳсулдорлик белгилари бир-биридан кескин фарқ қилиши мумкин. Тадқиқотларимиз давомида бир навнинг турли шароитларда етиштирилган 1000 дона уруғининг вазни бир-биридан фарқ қилиши кузатилди. Назорат вариантыдан энг сезиларли четланиш томчилатиб суғориш усулида етиштирилган "Андижон-36" навида кузатилиб, 1000 дона чигит вазни 115,0 граммни ташкил этиб, назоратдан 4,0 граммга юқори бўлган. 1000 дона чигит вазни "Андижон-37" навида 111,0 г (назоратдан 3,0 г га кўп), "Андижон-35" навида 124,0 г, оддий суғориш усулида плёнка остида етиштирилган "Андижон-36" навида 113,0 г (иккаласи ҳам назоратдан 2,0 г га кўп) ва "Султон" навида 124,0 г ни ташкил этиб, назоратдан 1,0 г га кўп бўлганлиги аниқланган.

Хулоса ва тавсиялар. Хулоса қилиб айтганда, элита уруғларини етиштиришда плёнка остига экиш ва томчилатиб суғориш технологиясидан фойдаланиш тупроқнинг мақбул ҳарорати ва намлигини таъминлайди, бу эса ҳосил элементларининг бир текис ривожланишига ва уруғларда озуқа моддаларининг тўпланишига ёрдам беради. Бу эса уруғлик материалнинг сифатини оширади ва навни аниқлашга хос бўлган ирсий белгиларнинг намоён бўлишига ёрдам беради.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 15 декабрдаги ПҚ-391-сон қарори.
2. О‘зДСт 1128:2017 "Уруғлик чигит. Унувчанликни аниқлаш усуллари"
3. О‘зДСт 1080:2017 "Уруғлик чигит. Намуна олиш усуллари."
4. О‘зДСт 3352:2018 "Уруғлик чигит. Пишганликни аниқлаш усули."
5. Козубаев Ш.С., Мамарахимов Б.И. "Ўўза уруғчилигини такомиллаштириш омиллари." - Тошкент, "Фан ва таълим полиграф" босмахонаси, -2013. - 158.
6. Авлиякулов М., Дурдиев Н., Хожиматов М. "Томчилатиб суғориш технологиясида етиштирилган уруғлик чигитнинг мойдорлиги ва пишганлиги". // Агро Илм журнали. -№2. -2023 йил. -10-11 б.
7. Серикбаев Б., Бутаяров А. "Пахтачиликда сув ресурсларини тежайдиган технологиялардан фойдаланиш". // Агроилм-Ўзбекистон қишлоқ ва сув хўжалиги. - Тошкент. -№5. -2019. -75-76 б.